

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 29 сентябрь, Душанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 191 (11.252)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Янгиликлар, воқеалар



Тадбиркорлик

ҚУЛАЙ ВА КЎРКАМ

Бунга пойтахтимиздаги жуда кўп қўлбанд корхона ва фирмаларда хорижий хом ашёдан фойдаланган ҳолда тайёрланаётган алюмин ва пластик маҳсулотларини ҳам мисол келтириш мумкин. Айни пайтда ана шундай эшик, ром ва витражлардан кенг фойдаланилмоқда. Улар бинолар чиройини очиши баробарида — мустаҳкам ва чидамлилиги, ўрнатишга қулайлиги, хоналарда иссиқни сақлаши ҳамда бошқа жиҳатлари билан ажралиб туради.


Шундай маҳсулотлар пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «ZAO» хусусий фирмаси тадбиркорлари томонидан ҳам тайёрланиб, буюртма асосида харидорларга етказиб берилмоқда. Буюртмаларни қабул қилар экан, корхона ишчи-хизматчилари харидор талаб ва дидидан келиб чиқиб маҳсулотни тез ва соз тайёрлаб беришга ҳаракат қилишади. Айниқса, сифатга қаратилган эътибор буюртмалар кўпайишида, ишлаб чиқариш ҳажми ортишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хусусий фирмада айни кунларда 20 нафардан зиёд ишчилар буюртмаларни бажариш билан банд бўлиб, уларнинг кўпчилиги хунар сирларини мукамал эгаллаш мақсадида Россия, Хитой ва Қозғистон давлатларида малакаларини оширишган.

Корхона менежери Марат Абдуловнинг таъкидлашича, бозорни ўрганиб бораётган жамоа тадбиркорлари замонавий маҳсулотлар тайёрлашга, бунёдкорлик ишларига ўзига хос тарзда ҳисса қўшишга интилишмоқда.

— Асосий хом ашёни Германия ва Туркия давлатларидан келтирамиз, — дейди менежер.

ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИНИНГ МАҲАЛЛИЙ ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНАЁТГАНИ БУНЁДКОРЛАРИМИЗ МЕҲНАТИНИ ЕНГИЛЛАТИШ БАРОБАРИДА ҚУРИЛАЁТГАН БИНО ВА ИНШОТЛАР МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАМОҚДА. ШУНИНГ БАРОБАРИДА ЧЕТДАН КЕЛТИРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТЛАР ҲАМ СОЗ ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛИШИДА МУҲИМ ҲИССА БЎЛМОҚДА.



— Биз тайёрлаётган алюмин ва пластик маҳсулотларини ҳам мисол келтириш мумкин. Айни пайтда ана шундай эшик, ром ва витражлардан кенг фойдаланилмоқда. Улар бинолар чиройини очиши баробарида — мустаҳкам ва чидамлилиги, ўрнатишга қулайлиги, хоналарда иссиқни сақлаши ҳамда бошқа жиҳатлари билан ажралиб туради.

Шунингдек, фирмада айни пайтда офис ва хонадонлар учун жалюзилар ҳам тайёрланмоқда. Турли ранг ва ҳажмда тайёрланган маҳсулотлар манзилларига корхонанинг маҳсулоти автоматик равишда олиб борилиб, ўрнатиб кафолатланади.

Тадбиркорларнинг келгуси режалари аввало ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган бўлиб, боиси буюртмалар кун сайин кўпайиб бормоқда. Албатта, бунинг учун юксак умумий хорижий дастгоҳлар келтириб, цехларга ўрнатиш, маҳсулот дивизиони устида тинмай изланиш керак бўлади. Ҳозирда ана шу мақсадларни амалга ошириш йўлида изланаётган тадбиркорлар ёшлар учун қўшимча ишчи ўринлари яратишни ҳам ният қилишган.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: малакали ишчилар буюртмаларни тез ва соз бажаришга интилишади. Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 90 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР, ИЛМИЙ ХОДИМЛАР ВА ТАЛАБАЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз илм-фанни ривожлантириш, халқимизнинг маънавий-маърифий салоҳиятини юксалтириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга ошириш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, юқори малакали замонавий мутахассислар тайёрлаш ишига қўшаётган салмоқли ҳиссаси ҳамда илмий-тадқиқот ва педагогика соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати ва жамоат ишларидаги фаол иштироки учун куйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ

Бобоев Туйғун Мирзааҳмедович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети полимерлар кимёси кафедраси профессори

Норкулов Неъмат — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети физикавий электроника кафедраси мудури

Республикаимизда таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, соҳага илғор педагогик технологияларни жорий этиш, талаба ёшларга замонавий билим асосларини ўргатиш, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги кўп йиллик фидокорона хизматлари, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси ҳамда ўқишда ва жамоат ишларида алоҳида ўрнатилган кўрсаткичлари учун куйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Ғозиев Эргаш — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети психология кафедраси мудури

Эрназаров Қудрат Туганович — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети декани

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Рамазон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рўза ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш тўғрисида»ги 1992 йил 27 мартдаги ПФ-368-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2008 йилда Рамазон ҳайитининг биринчи кунини 1 октябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мувожаати инобатга олинсин ҳамда мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Рамазон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 26 сентябрь

Кеска сатрларда

● **ЎЗБЕКИСТОН** Банклар ассоциацияси ташаббуси билан банк соҳаси мутахассислари иштирокида ўтказилган илмий-амалий конференция «Банкларнинг инвестицион салоҳияти: муаммолар, имкониятлар ва истикболлар» деб номланди.

● **ШАҲРИМИЗДА** алоқа соҳаси мутахассислари иштирокида ўтказилган тадбирда «ZivoNet» Интернет марафони голиблари тақдирланди.

● **РЕСПУБЛИКА** педагогика илмий кутубхонасида таълим муассасалари кутубхоналари ходимлари ўртасида ташкил этилган кўрик-танлов голиблари тақдирланди.

● **РЕСПУБЛИКА** инсон ҳуқуқлари Миллий марказида юристлар малакасини оширишнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган тадбир ва ҳуқуқий соҳада чоп этилган янги адабиётлар тақдироти Республика юристлар малакасини ошириш маркази ташаббуси билан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 60 йиллигига бағишлаб ўшатирилди.

● **ЎТГАН** кунини Республика

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар шифокорлар малакасини ошириш институти ҳамкорликларида шифокорлар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман кулоқ, бурун, оғиз хасталиқларини даволашнинг замонавий усуллари бағишланди. Тадбир якунида йиғилганларга замонавий тиббий жиҳозлар ва технологиялар кўргазмаси намойиш этилди.

● **ЎТГАН** кунини Собир Раҳимов туманида туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида 1 октябр — Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда тумандаги ўқув муассас

саларининг ўқитувчилари, мактабга таълим муассасалари ҳамда Ёшлар йили муносабати иштирок этишди.

● **ЎТГАН** кунини Юнусобод туманидаги 21-мактабда туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими ҳамкорликларида тумандаги ўқув муассасалари ўқитувчилари, мактабга таълим муассасалари педагоглари, тарбиячилари иштирокида ўтказилган тадбир ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланди.

● **МИРОБОД** саноат касб-

хунар коллежида мамлакатимиз Истиқлолнинг 17 йиллиги ҳамда Ёшлар йили муносабати билан ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида ўшатирилган тадбир «Ойла шаъни муқаддас» деб номланди.

● **ЎЗБЕК** Миллий академик драма театрида театр ихлосмандлари эътиборига драматурглар Тилаб ва Дилбар Маҳмудовлар қаламига мансуб «Тортадурман жабрини» асари асосида тайёрланган спектаклнинг премьераси намойиш этилди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **ЎРТА ОСИЁ** МИНТАҚАСИДА ЭНГ НУФУЗЛИ ВА ЕТАКЧИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДАН БИРИ БЎЛГАН МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАШКИЛ ТОПГАНИГА 90 ЙИЛ ТЎЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ УНИВЕРСИТЕТНИНГ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИГА, БУТУН ЖАМОАСИГА ТАБРИК ЙЎЛЛАДИ.

● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия йиғилишида Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида ўқувчиларга замон талаблари асосида билим бериш, тарбияси оғир ва дарсларни ўзлаштира олмайдиган болаларни тўғарақларга ва оммавий спортга жалб қилиш орқали уларнинг билим ва жисмоний тайёргарлиги даражасини ошириш борасидаги ишларнинг аҳолига доир масалалар муҳокама қилинди.

● Наманганда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси томонидан «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг уй-жой-коммунал соҳани ислоҳ этишдаги ўрни ва роли» мавзусида семинар ташкил этилди.

● Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Бутунжаҳон туризм кунини муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Экосан» халқаро ташкилоти, «Экосан-Тур» халқаро экологик туризм маркази ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамкорлигида «Туризм ва экотуризм барқарор ривожланиш мақсадида» деган мавзуда анжуман бўлиб ўтди.

● Оролбўйида оналар ва болалар соғлигини сақлаш мақсадида «Соғлом оила — соғлом она — соғлом бола» шиори остида бир ёшдан беш ёшгача бўлган болаларни соғломлаштириш ҳафталиги ўтказилди.

● Учқудуқ шаҳридаги «Учқудуқ иссиқ нон» хусусий корхонаси Россиядаги «Восход» фирмасидан шартнома асосида замонавий ускуналарни келтириб, 70 хилдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга киришди.

● Гулистон шаҳридаги «Пана» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида тайёрланган дастлабки мотоцикллар сотувга чиқарилди. Уч гилдиракли ушбу илҳам юк ташиш транспорти ҳар томонлама қулай ва замонавий кўринишга эгадир.

ЖАҲОНДА

● Белоруссия Президенти Александр Лукашенко ва Европа Иттифоқининг ташқи ва хавфсизлик сиёсати масалалари бўйича олий вакили Хавьер Соланаларнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Сўхбат чоғида Белоруссия ички сиёсий вазиятининг ривожланишига, шунингдек, мамлакатнинг Евроиттифок билан ҳамкорлигига оид масалалар муҳокама қилинди.

● Перу раҳбарияти мингга яқин хорижий маҳбусларни ўз ватанларига қайтаришни режалаштирмоқда. Мамлакат адлия вазирининг таъкидлашича, улар жазонинг қолган муддатларини ўз ватанларига ўташади. Бундай чора-тадбирдан қўрабланган асосий мақсад қамқончаларнинг сарф-харажатларини қисқартиришдир.

● Исроилнинг истеъфога чиққан бош вазири Эхуд Ольмерт саккизинчи марта мамлакат полицияси томонидан сўроқ қилинади. Ольмерт коррупция бўйича текширувларнинг диққат марказида турибди. Полиция вакилининг айтишича, у 2 октябрда Иерусалимдаги қароргоҳида тергов қилинади.

● Россиянинг Экология, технология ва атом назорати бўйича федерал хизматига янги раҳбар этиб Николай Кутын тайинланди. «Российская газета»нинг хабар беришича, 43 ёшли Кутын мазкур идорада 2004 йилдан буён ишлаб келади. У янги лавозимдаги дастлабки қадамини ташкилотдаги коррупцияга қарши кураш режасини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруқни имзолашдан бошлади.

● Афғонистондаги хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш бўйича НАТОнинг халқаро кучларига тегишли вертолёт Покистон-Афғонистон чегарасидаги блокпостда жойлашган Покистон ҳарбийлари томонидан ўққа тутилган, деб хабар беради BBC News. ISAF кўмондонлигида қайд этилишича, вертолёт Покистон ҳаво чегарасини кесиб ўтмаган ва Афғонистоннинг Хост вилоятида бўлган. Пентагон рўй берган воқеани «қайғули тушунмовчилик» деб атади.

● Дунёнинг энг кучли 200 та олий ўқув юрти номи жой олган рўйхатни АКШнинг Гарвард университети бoshқариб келмоқда. 23 миллиард долларлик бюджетга эга бу таълим даргоҳи неча йиллардики энг кучлилар орасида биринчилиқни ҳеч кимга бермай келяпти.

● Олимлар ёғ тўқималарини қон томир деворларидан ажратиш усулини кашф этиб, диабет ва семириш касаллигига даво топганлиги ҳақида «Science» журнали хабар беради. Техас тиббиёт университети олимлари сўйчон танасида бошқа турдаги тўқимага айлантиса бўладиган ёғ тўқималарини топишга муваффақ бўлишди.

ИШГА АМАРҲАМАТ!

Бандлик

ТАЛАБ ВА ЭҶТИЁЖ АСОСИДА

МЕҲНАТ БОЗОРИ ҲАРАКАТЛАНУВЧАН ҲАМДА ЖЎШҚИН РАВИШДА ҲАРАКАТЛАНУВЧАН: БУ ЕРДА ИШЧИ КУЧИ ҲАРАКАТЛАНУВЧАН ҲАМДА ЖЎШҚИН РАВИШДА ҲАРАКАТЛАНУВЧАН: БУ ЕРДА ИШЧИ КУЧИ ҲАРАКАТЛАНУВЧАН ҲАМДА ЖЎШҚИН РАВИШДА ҲАРАКАТЛАНУВЧАН:

Бугунги суҳбатдошимиз — тошкент шаҳар ҳоқимлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли ишчиларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув маркази директори Абдуҳамид Мустағизов банд бўлмаган аҳолининг бандлик муаммоси ечимида мазкур жамоанинг тутган ўрни ҳақида қўйидагиларни гапириб берди:

— Ун олти йилдан буён фаолият юритаётган ушбу ўқув марказимиз Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимида бўлиб, доимий банд бўлмаган аҳолига таянч бўлмоқда. Шу ўринда шахримиз туманларидagi Бандликка кўмаклашувчи марказлар билан ҳамкорликда иш юритишимизни таъкидламоқчиман. Меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда, яъни иқтисодий жараёнлар ишчи кучига бўлган талабнинг ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўзгаришига бевоасита таъсир кўрсатади. Корхоналарга йилдан йилга янада малакали кадрлар талаб этилмоқда, кичик бизнес ҳамда ху-

сусий тадбиркорлик ривожланиши эса одамлардан янги, замонага яраша махсус кўникмаларни талаб этмоқда. 32 та мутахассислик бўйича таълим берилмоқда, шахримизда фаолият юритаётган корхона, ташкилотларга қайси мутахассисларга реал талаб, эҳтиёж борлиги ҳар томонлама ўрганилади. Бизда нафақат токар, слесарь, пайвандчи, фрезерчи, электрик, тикувчи каби ишчи касблари, балки замонавий ҳисобланган ЭХМ оператори, иш юритувчилар ҳам тайёрланади. Жумладан, жорий йилда Бандликка кўмаклашувчи марказларга пойтахтимиздаги ташкилот-

лардан тушган тақлифлар ўрганилиб, ўқув марказимизда иккита янги мутахассислик — компьютер ва офис техникасини таъмирловчи уста, мобиль (қўл) телефонларини таъмирловчи уста, таълим ўқитилмоқда. Таълим марказимизда мутахассисларни тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Замонавий жиҳозланган ўқув мажмуасида кенг, ёруғ аудиториялар, компьютер синфлари, амалиёт учун махсус ускуна, дастгоҳлар ўрнатилган хоналар ва албатта, 25 нафар малакали, касбига алоҳида меҳр кўйган ўқитувчилар жамоаси таълим самарадорлигини талаб даражасида бўлишини таъ-

минламоқда. Шунингдек, таъкидлаш ўринлики, марказимиз бошқа таълим марказларидан фарқли ўлароқ, туман бандликка кўмаклашувчи марказлари томонидан йўлланма билан юборилган фуқарони беш ой (узоғи билан, ишсизлик мақоми эса қонунга биноан олти ойга берилди) давомида маълум касбга бепул ўқитади, жумладан, унга ўқиш давомида стипендия ҳам берилди. Энг асосийси эса бизнинг битирувчилар иш ўрнига эга бўлишади.

Шаҳримизда долзарб бўлган бандлик масаласи ечимига муносиб ҳисса қўшишимизда, яъни ўқув марказининг моддий-техник базасини доимий янгилаб бориш, қулай шарт-шароитлар яратиш, ўқитишнинг илғор, самарали йўлларини қўллашимизда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг кўмагини олиш ва ўрта махсус таълим вазирлигининг келишувига асосан юборамиз. Шу келишувга биноан ўқув марказимиздаги таълимнинг энг самарали йўлларида топшига, уни ўқув жараёнида қўллашда унумли сайёҳаракатлар ҳамкорликда амалга оширилмоқда. Сирасини айтганда, пойтахтимизда бандлик масаласи ечимини топишда барча туманлар Бандликка кўмаклашувчи марказлар билан ҳамкорликдаги ишчилик қатъий белгиланган режага кўра амалга оширилишига астойдил бел боғлангиз. **Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

қайта ўқитиб, малакасини оширишни эзгу мақсад қилган ҳолда меҳнат қилмоқда.

Баъзи мутахассисларни тайёрлаш — ўқитиш, амалиёт ўташ учун махсус ускуна, дастгоҳлар талаб қилинади. Шу туфайли биз маълум касбларга ўқитиш учун фуқароларни ҳамкорларимиз, масалан, Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежи, Мирзо Улуғбек сановат касб-хунар коллежи, Собир Раҳимов енгил сановат касб-хунар коллежи, Тошкент радиотехника касб-хунар коллежи, Тошкент маиший ва сервис хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежлари вазириликимиз ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг келишувига асосан юборамиз. Шу келишувга биноан ўқув марказимиздаги таълимнинг энг самарали йўлларида топшига, уни ўқув жараёнида қўллашда унумли сайёҳаракатлар ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Сирасини айтганда, пойтахтимизда бандлик масаласи ечимини топишда барча туманлар Бандликка кўмаклашувчи марказлар билан ҳамкорликдаги ишчилик қатъий белгиланган режага кўра амалга оширилишига астойдил бел боғлангиз. **Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 90 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР, ИЛМИЙ ХОДИМЛАР ВА ТАЛАБАЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда). **Мамашокиров Саидмурод** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети миллий ғоя ва ижтимоий фалсафа кафедраси профессори **Тронцкий Виталий Иванович** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети геология кафедраси профессори **Ҳикматов Фазилдин** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети куруклик гидрологияси кафедраси мудири

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН **Лян Григорий Михайлович** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети математик анализ кафедраси доценти **Набиев Тимур Эрикович** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жисмоний тарбия кафедраси мудири **Шереметьева Анна Геннадьевна** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети рус тилшунослиги кафедраси мудири

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН **Абдуазизов Дилшод Рустамович** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети иқтисодиёт факультети магистратурасининг 2-курс талабаси **Власов Сергей Игоревич** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети яримтўқазгичлар ва диэлектриклар физикаси кафедраси мудири **Икромов Салима Мелиқузиевна** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи **Каримбоев Элдор Холмуродович** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети физика факультети магистратурасининг 1-курс талабаси **Мавлонов Шавкат Муртазович** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультетининг 3-курс талабаси **Мамаиримов Зоҳиджон Усмонович** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети геология факультети магистратурасининг 2-курс талабаси

Неъматова Муҳаббат Набиевна — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети ахборот-ресурс маркази раҳбари **Расулова Мадина Фарҳодовна** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети биология-тупроқшунослик факультети магистратурасининг 1-курс талабаси **Тожиев Эрма** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек тилшунослиги кафедраси профессори **Чиникулов Холдор** — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети замонавий геодинмика ва геоинформатика кафедраси доценти **Чориев Рўзимурод Қўнғиротович** — Тошкент шаҳридаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳоқими

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2008 йил 26 сентябрь

ЭЛЕКТРОН РЕСУРСЛАР МУВАФАҚИЯТ ГАРОВИ

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА «МУТОЛАА — 2008» ТАДБИРИ ДОИРАСИДА «ЭЛЕКТРОН РЕСУРСЛАР — МУВАФАҚИЯТ ГАРОВИ» МАВЗУИДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ТЎҚИЗИЛДИ.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган семинарда бир қатор олимлар, проректор ва аспирантлар ҳамда талабалар иштирок этди. Унда Россия Давлат кутубхонасининг «Диссертациялар электрон кутубхонаси» ва Ўзбекистон Миллий кутубхонасида сақланаётган диссертацияларнинг электрон версиялари тақдими, Миллий кутубхонанинг электрон ресурслари намойиш этилди.


Электроник тизимга ўтиш бугунги куннинг энг долзарб талабларидан бири. Шу боис кутубхона соҳасида ҳам бу тизимга катта эътибор билан қаралмоқда. Барча китоб-қўлланмаларни электрон версияларини яратиш эса катта куч ва кўп маблағ талаб этди. Семинар давомида бу борада кутубхона маъмурияти томонидан қилинган ишлар тўғрисида батафсил маълумотлар берилди. Россия Давлат кутубхонаси билан ҳамкорликда, IRBIS интеграллашган кутубхона тизимида диссертацияларнинг электрон версияларини яратиш, автореферат шакллари тайёрлаш каби бир қатор янги технология тактикалар бораида тушунтиришлар берилди. Миллий кутубхона, Россия давлат кутубхонаси билан тажриба алмашган бир пайтда, «ЮНЕСКО» халқаро ташкилоти кутубхонани моддий томондан қувватлаб замонавий технологиялар билан таъминламоқда.

Шундай сайёҳаракатлар мақсули ўлароқ ҳозирда кутубхонада сақланаётган 9000 дан ортиқроқ диссертацияларнинг 3500 таси электрон версияларига, 3000 дан зиёдроғи эса автореферат шакллари эга бўлди.

Электрон ресурсларнинг тўлиқ каталогини яратиш кутубхонамиз фойдаланувчилари учун бир қатор қулайлик ва кенг имкониятлар яратади, — дейди масофали кутубхона илмий маркетинг тадқиқотлари бўлим мудири Улуғбек Каримов. — Ҳозирда кутубхонада 1992-2002 йиллар орасидаги диссертацияларнинг электрон версиялари мавжуд. Эндликда китобонлар улардан бемалол фойдаланишлари мумкин.

У. Каримовнинг таъкидлашича, кутубхонада масофадан хизмат кўрсатиш тизими ҳам тақомиллаштирилмоқда. Тез орада фойдаланувчилар ўз ўйларидан туриб бемалол кутубхона хизматларидан фойдаланишлари мумкин.

Кўзгич баҳс ва мунозараларга бой бўлган семинар-тренинг давомида олим ва мутахассислар иштирокчилари қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб беришди. **Гулбаҳор КОБУЛОВА** «Туркхон-пресс»



2008 — Ёшлар йили

ИСЛОҲОТЛАР ОҚИМИДА

ЮРТИМИЗДА БАРЧА СОҲАЛАРДА БЎЛГАНИ СИНГАРИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ БОРАСИДА ИБРАТЛИ ИШЛАР ҚИЛИНМОҚДА. ЁШ АВЛОДНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ЕТУК ҲАМДА БАРКАМОЛ ҚИЛИБ ТАРБИЯЛАШ, УЛАРГА ДАВР ВА ТАРАҚҚИЁТ ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАЪЛИМ БЕРИШ, МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ОЛДИДАГИ МУҲИМ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРДАН ҲИСОБЛАНАДИ. ХУСУСАН, ТОШКЕНТ ИҚТИСОДИЁТ ВА БИЗНЕС КОЛЛЕЖИДА БУ БОРАДАГИ ВАЗИФАЛАРНИ АДО ЭТИШДА ЖАМОАНИНГ ФАОЛИЯТИ ҲАҚИДА ДИРЕКТОРИ ПЎЛАТ ЙЎЛДОШЕВ ҚЎЙИДАГИЛАРНИ ГАПИРИБ БЕРДИ:

— Асрлар давомида шаклланган миллий кадрларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз халқимизнинг бемисол бойлиги, истиқлолимизнинг мустақам пойдевори ва порлоқ истиқболимиз кафолатидир. Бугунги шиддаткор давримизда ёшларга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас. Жумладан, Президентимиз томонидан жорий йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилинган ҳам бунинг ёрқин исботидир.

Ҳозирда бизнинг коллежимизда кундузги ва «тўлов контракт» бўлимида «Бухгалтерлик ҳисоби ва аудит», «Молия», «Солиқ ва солиққа тортиш», «Банк иши», «Хўжалик ҳуқуқий фаолияти» йўналишларида 1500 нафардан зиёд ўқувчилар тахсил олишмоқда. Уларга «Таълим тўғрисида»ги қонун ва кадрлар тайёрлаш миллий дастурлари талаблари асосида таълим берилмоқда. Ёшларнинг келгусида малакали мутахассислар бўлиб етиштирилиши, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашлари кўмаклашишда коллежнинг аҳил, ўз касбига алоҳида меҳр кўйган ўқитувчилар жамоаси, яъни бир нафар иқтисод фанлари доктори, профессор, 4 нафар фан номзодлари, 30 нафардан ортиқ олий тоифали педагоглар меҳнатини алоҳида таъкидласа арзийди.

Жумладан, таълим масканида 52 та зарур воситалар билан жиҳозланган дарс хоналари, 18 та махсус лабораториялар, 2 та замонавий компьютерлар хонаси, 4000

нусхадан иборат адабиётга эга бўлган ахборот-ресурс маркази ҳамда 50 ўринли кироатхона, «Маънавият ва маърифат хо-

на» бўшқалар, Қўвонарлиси, бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланган бандликка кўмаклашиш хусусида жамоамизнинг амалга оширган ишлари таҳсинга лойиқ. Утган — 2007-2008 ўқув йили якунига кўра 100 нафардан зиёд битирувчиларимизни ишга жойлаштиришга эришдик.

Шу ўринда пойтахтимизда биринчи марта шаҳар миқёсида ўрта махсус ва олий ўқув юрларини битирган ёш мутахассислар учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Уни «Ёшлар йили» Давлат дастури ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида Тошкент шаҳар ҳоқимлиги, тегишли идоралар, жамоат тузилмалари ташкил этишди, унинг кўлами анчайин кенглиги билан эътиборга лойиқ бўлди.

Ўқувчиларимизни — улғайиб келаётган авлодни, миллий ва умуминсоний кадрларга сadoқатли, фидойи, ватанпарвар, баркамол инсонлар қилиб тарбиялаш, мустақиллигимизни янада мустақамлаш, ёшларимизнинг жамиятда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнидаги фаоллигини янада ошириш мақсадида коллежимизда маънавий-маърифий тадбирлар режа асосида ўтказиб борилади. Аждодларимиз ўлмас мероси, кадрларимиз, тарих ва замон, истиқлол, конституция, жиноятчиликка қарши «Биз Президент фарзандларимиз», «Истиқлол ва ёшлар», «Тарих ва замон», «Тадбиркор ёшларга — эл мадақдор», «Ёшлар ва қонун», «Гийёвандлик — аср вабоси» каби мавзуларда учрашу, тадбирлар ёшларнинг онгини бойитиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишга кўмак беради.

Муяссар АБДУРАСУЛОВА СУРАТЛАРДА: Тошкент Иқтисодиёт ва бизнес коллежи ҳаётдан лавҳалар.



МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ БЕРИЛАДИМИ?

МЕН ҲАМДА ТАМОМЛАГҲ ИШГА ЖОЙЛАШДИМ. АЙТИШЛАРИҚА, ЯНГИ ИШ ЖОЙИДА 11 ОЙДА МЕҲНАТ ТАЪТИЛИГА ЧИКИШИ МУМКИН ЭКАН. ШУ ҲАҚДА МАЪЛУМОТ БЕРСАНГИЗ.

Гулираъно Мавлонова, Мирзо Улуғбек тумани
Меҳнат кодексининг 100-моддасида белгиланганидек, биринчи иш йили учун меҳнат таътили

олти ой ишлагандан сўнг берилди. Иш йили эса меҳнат шартномасига биноан иш бошланган кундан эътиборан ҳисобланади.

Жумладан, ўриндошлик асосида ишлаётганларга — асосий иш жойидаги таътил билан бир вақтда ўриндошлик асосида ишлаган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўлаган ҳолда.

Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки ишлар хусусияти ўзгаришга олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ходимларга.

ҚОНУН ТАЛАБИГА МУВОФИҚ БИР НЕЧА ЙИЛ АВВАЛ БЕШ НАФАР ФУҚАРОЛАР (АВВАЛГИ ҲАМКАСЛАР) ИШТИРОКИДА МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ИХТИССОСЛАШТИРИЛГАН

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ТАШКИЛ ЭТГАНДИК. КЕЙИНГИ ВАҚТДА ШЕРИКЛАРНИ ТУРЛИ БАҲОНАЛАРНИ РЎКАЧ ҚИЛИБ, ЖАМИЯТДАН ЧИҚИБ КЕТИШИНИ ТАЛАБ ҚИЛИШМОҚДА. ҚОНУН БЎЙИЧА МЕНИНГ РОЗИЛИГИМИЗ, МАЖБУРИЙ ТАРТИБДА АЪЗОЛИКДАН ЧИҚАРИШ МУМКИНИ?

Зулфия Алиева, Миробод тумани
Агар иш фаолияти давомида мажбуриятларини қўпол бузиб ёки жамият фаолиятига тўқинлик қилиш каби жиддий хатти-ҳаракатлар содир этмаган бўлсангиз, сизни жамият фаолиятидан мажбурий тартибда четлаштиришга ҳақли эмаслар.

Агар мазкур ҳаракатлар содир этилганлиги исботланса, унда жамият аъзоларининг талаби бўйича сизни аъзоликдан Суд тартибидеда четлаштиришлари «Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги қонун талабига мувофиқ амалга оширилади.

Газетанинг бир саҳифасини тўлиқ эгаллаган мақола бир неча бўлимдан иборат бўлиб, улар «Рамазон ойининг ўзига хос хусусиятлари», «Тошкент шаҳри», «Самарканд — Шарқ дурдонаси», «Бухоро шаҳри», «Ўзбекистон ва ислом» деб номланган.

Журналист Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги икки томонлама муносабатларга алоҳида эътибор қаратиб, икки мамлакат ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга интилаётганини қайд этади.

«2004 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Имом Каримов Кувайтда расмий ташриф билан бўлган эди. Учрашувлар якунига кўра томонлар ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳам-

«1991 йил 1 сентябрь кuni Ўзбекистон ўз мустақиллигини кўлга киритгани мамлакат халқи ҳаётида улкан воқеа бўлди. Жорий йилда ушбу қутлуғ сананинг 17 йиллиги кенг нишонланди. Утган давр мобайнида мамлакат турли соҳаларда, жумладан диний ҳаётда катта ютуқларни қўлга киритди. Республикада Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси, Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислам институти, Мир араб мадрасаси фаолият юритяпти», — деб ёзади муаллиф.

С.Хидр Ўзбекистон Президенти Имом Каримов ташаббуси билан 1999 йилнинг сентябрь ойида таъсис этилган Тошкент Ислам университетининг миллий кадрлар тайёрлаш борасидаги ролини алоҳида таъ-

Кафол Шойши каби буюк бобокалонларимизнинг ислом дини, дунёвий илм-фан ва маърифат тараққиётига қўшган ҳиссаларига ургу беради.

«Минтақада турли диний илмлар ўқитиладиган дастлабки мактаблар пайдо бўлгани мўҳим воқеа бўлиб, натижада, Мовароуннахр ислом динининг таянчларидан бирига айланди», — деб ёзади С.Хидр.

«Рамазоннинг ўзига хос хусусиятлари бўлимида ўқувчиларга ушбу муборак ойда ўзбек халқи томонидан амалга оширилувчи маросимлар, аъёналар ва урф-одатлар ҳақида ҳикоя қилинади.

«27 миллион нафар нуфусга эга мамлакатда 120 дан зиёд миллат ва 16 диний конфессия вакиллари истиқомат қилади.

«АЛ-ВАСАТ»:

«ЎЗБЕКИСТОН – МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАРВОЗАСИ»

КУВАЙТНИНГ «АЛ-ВАСАТ» ГАЗЕТАСИ «РАМАЗОН: ХАЛҚЛАРНИНГ УМРБОҚИЙ УРФ-ОДАТЛАРИ, АНЪАНАЛАРИ ВА МАРОСИМЛАРИ» РУКНИДА ЖУРНАЛИСТ САМИР ХИДРНИНГ «ИМОМ БУХОРИЙ ВА ИМОМ ТЕРМИЗИЙ ЮРТИ – МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАРВОЗАСИ. ЎЗБЕКИСТОНДА РАМАЗОН» САРЛАВҲАЛИ МАҚОЛАНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

корлик тўғрисидаги, сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисидаги ҳамда бошқа бир қатор битимлар имзоланиб, улар Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, мазкур ҳужжатлар иқтисодий, савдо, маданият, илм-фан ва таълим соҳалари вакиллари билан делегациялар алмашинувидаги хизмат қилмоқда.

Жорий йилда Кувайт Давлати Амири Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ Ўзбекистон Республикасида расмий ташриф билан бўлди. Учрашувлар чоғида томонлар ўзаро муносабатларни янада юқори даражага кўтарувчи қатор битим ва меморандумларни имзолади», — деб ёзилади газетанда.

Мақола Имом Бухорий макбараси ҳамда Кувайт Давлати Амирининг Ҳазрати Имом мажмуусига ташрифи пайтида олинган фотосуратлар билан безатилган. Улар мамлакатимиз раҳбариятининг диний ташкилотлар ва динга эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, динлар ва миллатлараро тувеликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон мусулмонларининг диний эркинликларини таъминлаш, диний одат ва аъёналарни асраб-авайлашга қаратилган бағрикенг сиёсатини ўзида ифода этади.

кидлайди.

«Кўп асрлар давомида маданиятлар ва цивилизациялар чорраҳаси жойлашган Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб ўртасидаги тижорат, маданий ва илмий алоқаларни кенгайтиришда катта аҳамият касб этган. Ҳозирги кунда ҳам у жаҳоннинг мўҳим марказларидан бири бўлиб қолмоқда. Ўзбекистоннинг пойтахти — Тошкент эса Марказий Осийнинг дарвозасидир. Президент қарорига мувофиқ, келгуси йили Ўзбекистонда Тошкентнинг юбилей тантаналари бўлиб ўтади. Шу ўринда ўзининг буюк тарихи билан ном таратган — Самарканд, Бухоро, Термиз ва Хива шаҳарларини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз».

Муаллиф республикамизнинг диққатга сазовор жойларига эътибор қаратиб, шу кунга қадар улар ўз улғуворлиги ва кўркамчилигини сақлаб қолиб, юртимизнинг шонли тарихидан гувоҳлик беришини таъкидлайди. Мақоланинг «Тошкент шаҳри», «Самарканд — Шарқ дурдонаси», «Бухоро шаҳри» каби бўлимларида ушбу мавзулар кенг ёритилиб, юртимизнинг кўп асрлик тарихидаги асосий босқичлар хусусида ҳикоя қилинади.

Журналист ўқувчилар эътиборига мамлакатимизнинг тарихий ёдгорликлари ҳақида маълумотлар тақдим этар экан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний,

Ўзбекистон — кўп миллатли ва кўп динли дийёрдир. Давлат республикадаги миллатлараро ва динлараро тинчлик-тотувликни тўла қўллаб-қувватлаб, бу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳрининг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши истиклол йилларида ислом меросини асраб-авайлаш ва уни бойитиш борасида эришилган ютуқларнинг юксак эътифори бўлди. Бу мўҳим воқеа муносабати билан Тошкент ва Самарканд шаҳарларида ўтган йилнинг август ойида «Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссаси» мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтди. Анжуманда жаҳоннинг 31 мамлакатидан, жумладан, Кувайтдан юзлаб олимлар иштирок этди. Шунингдек, 2007 йилнинг октябрыда Самарканд ва Бухорода ISESCO шаъфелигида ўтказилган «Ўзбекистон — ислом дунёсининг буюк мутафаккирлари юрти» мавзусидаги халқаро конференцияни эълантириш ўрнили бўлади. Мазкур анжуманда ҳам хоржий мактаблар илмий, маданий ва жамоат доираларининг кўплаб вакиллари қатнашди», — деб ёзади «Ал-Васат» газетаси.

«Жаҳон» АА. Ал-Кувайт.

ИЖОДИЙ КЕЧА

ИЖОДКОР ШУНДАЙ БИР КАТТА КУЧ ЭГАСИ-КИ, УНИНГ ЎТКИР КАЛАМИ, ОТАШ НАФАСИ ДУНЁЛАРНИ ЎЗГАРТИРИШГА, ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛЛАРИНИ ОДИМЛАТИШГА ҚОДИР. АНА ШУНДАЙ БУЮК ҚУДРАТ СОҲИБЛАРИДАН БИРИ — БУЮК ИЖОД НАМОЯНДАСИ ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ЭДИ. ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ ИЖОДИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР, ИЖОДИЙ КЕЧАЛАР КЎПЛАБ МАЪНАВИЯТ ВА ЗИЁ МАСКАНЛАРИДА ЎТКАЗИЛИБ КЕЛИНМОҚДА. ШУНДАЙ ТАДБИРЛАРДАН БИРИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КЎТУБХОНАСИДА БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирда бир қатор адабиёт ва санъат, илм ва маданият намояндalари билан бир қаторда, Чингиз Айтматов ижоди илхомландирган ҳам иштирок этди. Айтматов ижодини мунтазам равишда ўрганиб, тадқиқ этиб келаётган адиллар, буюк ижодкор билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлган ёзувчи ва таржимонлар сўзга чиқиб Айтматовнинг ўчмас ёди, унутилмас улкан ижодий мероси ҳақида гапиришди. Иброҳим Ғофуров, Турсунбой Адашбоев сингари яна бир нечта адабиётшунос ижодкорлар Айтматов асарларидаги умбўқийлик, улардаги одам ва олам талқинини аниқ ва тегин, содда тилда талқин этилганлиги катта бир санъат эканлигини эътироф этишди.

— Ижодий кеча менда катта таассурот қолдирди. Аввало мана шундай чиройли тадбир ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигимни билдираман. — Бундан кейин ҳам шундай ижодий кечалар тез-тез уюштириб турилса, бениҳоя мамнун бўлардим, — деди Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги Факултета ва мухтор элчиси Азизбек Мадумаров.

Давра сўзбати якунида Миллий кутубхона ва Қирғизистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида «Айтматовхонлик» кечасини ўтказишга келишиб олинди.

«Туркистон-пресс»

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

• Мюнхен дорилфунунининг профессори Райнер Пелканинг яратган қурилмаси нафақат бош оғриқдан, ҳаттоки об-ҳаво ўзгаришидан, суякларингиз зирқирашидан ҳам сизни халос этади. Қурилма чўзинчоқ тухум шаклида бўлиб, унинг сирти тилла суви билан сайқалланган. У электроманит майдонига эга. Шу сабабдан ҳам бош оғриган пайда «олтин тухумни» пешонага суртилса, бир зумда оғриқ йўқолади.

• Токионинг «Касима» қурилиш компанияси эндиликда одамлар яшайдиган бир хил хонага компьютер орқали иқлимни мослаштириб тура оладиган қурилма ўрнатди. Бу қурилма вақтга қараб хона ҳарорати ва Ҳидини ўзгартира олади. Масалан, эрталаб хоналарга лимон дарахтининг муаттар бўйини таратади. Бу ҳид одамларга тийрақлик бағишлайди, демек одам зўр иштиёқ билан ишлайди. Тушлиқда эса улар атиргул ҳидидан баҳраманд бўлишади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, атиргул бўйи чарчоқни тарқатади.

• Автомат телефондан шошилинч равишда қўнғирок қилиш заруру чўнтақда аксига олгандек керакли танга топилмайдиган ноҳуш вазиятга ким тушмаган дейсиз. Кўпгина италияликлар учун, ҳар ҳолда катта шаҳарларда яшаётганлар учун энди бундай муаммо йўқ. Телефон орқали сўзлашувлар ҳақини тўлаш учун махсус кредит патталари Апеннин ярим оролида кенг қўлланилмоқда. Янги телефонлар шундай қурилма билан жиҳозланганки, бу қурилма кредит паттасининг магнит пластинкасидаги кўрсаткичларни автомат тарзда ҳисоблаб, сўзлашув ҳақини қиқариб ташлайди ва қанча қолдиқ қолганини маълум қилади. «Электрон» пулга ўтилганлиги телефон орқали сўзлашувларга ҳақ тўлашни енгиллаштирибгина қолмай, бошқа бир қанча муаммоларни ҳал этишга ҳам ёрдам бериши. Масалан, замонавий «вахшилар»нинг йиғилган пуллари олиб кетиш мақсадида кўчалардаги автоматларни бузишга уринишларидан ҳеч қандай маъно қолмади. Авваллари бундай ҳоллар тез-тез учраб турарди — чунки автомат телефон орқали қилинадиган ҳар бир қўнғирок 300 лира туради. Бундан ташқари сўзлашувни давом эттириш учун ҳар уч дақиқадан кейин яна танга ташлаб туриш керак эди.

• Австралиялик олимлар ўз тадқиқотларида куттилмаган натижага эришишди. Айрим дорилар — аспирин, парацетамол, анальгинлар инсон соғлиги учун ноҳуш асоратлар келтириши мумкин экан. Australian Prescriber шифокорлар журналидаги мақола муаллифларининг фикрича, мигренни қолдириш учун ичиладиган таблеткаларнинг ҳар доим истеъмол қилиниши инсонда бош оғриғини янада кўзгатади. Hunter Hospital клиникасининг неврология бўлими бошлиғи Дэвид Уильямсининг айтишича, 30 фоиз доимий бош оғриғининг сабабини оғриқ қолдирувчи таблеткаларнинг ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилинишида. Бундай ҳолда организм анальгинга ўрганиб қолади. Афсуски, бунинсонлар кеч пайқашади, дейди шифокор. Олимларнинг фикрича, бош оғриғини қолдирадиган таблеткаларни ичишдан аввал шифокор билан маслаҳатлашиб ва бошининг нима учун оғригани ҳамда касаллиқнинг аниқ ташхисини белгилаб даволанган маъқул.

• София шаҳрида истиқомат қилувчи саккиз яшар қизалоқ ота-онасига муаллимлар, шифокорларнинг ўзининг ноёб қобилияти, бир вақтнинг ўзида иккита китоб ўқий олиши билан ажаблантирди. Олимлар қизчага иккита кичик китобчани тутқазиб, унинг ўнг кўзи билан бир китобни мутлола қилаётган бир пайда, чап кўзи билан иккинчи китобни ўқий бошлаганини кузатишган. Кейин эса ҳар иккала китобнинг мазмунини сўраганлар. Қизча ўша китоблар бўйича саволларга тўппа-тўғри жавоб қайтарган. Маълум бўлишича, бундай ҳодиса илк бора қайд этилаётган экан. Рухшунос олимларнинг олиб борган тадқиқотлари шунини кўрсатмоқдаки, аксарият кишиларнинг мия ярим шари тамомила икки хил вазифани бажара олар экан. Қизалоқда эса миянинг ҳар иккала ярим шари бир-бирдан мустақил равишда яхши ривожланган. Бошқача айтганда қизчанинг иккита мияси бор экан.

• Хиндистон ва Канада олимлари она сутининг аллергия касаллиқларига қарши курашувчи воситалардан бири эканлигини қайд қилишди. Чақалоқлар икки гуруҳга бўлиниб, буларнинг бири она сuti билан, иккинчиси эса сигир сuti билан боқилган. Организмдаги ўзгартирилган ўрганилиб борилар экан она сuti эмган болаларда ҳаммаси бўлиб саккиз фоиз, сигир сuti эмган болаларда салкам 80 фоиз аллергия касаллиқларга учраши мумкинлиги тажрибаларда исботланган.

• Япон олимлари мамлакатда автомобиллар кўпайиши натижасида диабет касаллиғи кўпайганини қайд қилишди. Бу ҳаракатсизлик, яёв юрмаслик, юк кўтармаслик ва шу каби бошқа ишлардан озод бўлиш сабабли деб топилди. Мамлакатда вақти-вақти билан ёнилги танқислиғи кўчайиб машиналарда юриш қамайган пайтларда диабет касаллигининг қамайиши юқоридаги фикримизга далил бўлади. Япон шифокорлари ҳам фаол ҳаракат билан диабетнинг тўғридан тўғри боғлиқ эканлигини кўп тажрибаларда исботлашди.

• Табиблар ва кимёгар олимлар неча-неча асрлардан буён инсон умрини узайтириш чора-тадбирларини қидириб келишмоқда. Доктор Хаммер (АҚШ) ҳам шу масала устида жуда кўп илмий изланиш олиб борган. Бунинг натижасида у «Бутиллаштирилган гидроксилтолуол» малҳамини яратди. Бу янги малҳам биринчи марта сичқонларга берилиб, тажрибада синиб қўрилди. Уни истеъмол қилган сичқонлар 20 ойдан кўпроқ, малҳам берилмаганлари эса фақат ўн тўрт кун яшадилар. Олимларнинг кўп йиллик олиб борган ишлари натижасида инсоннинг узоқ умр кўришига ёрдамлашувчи энг мўҳим омилилар қаторида улар оқилна овқатланиш ҳамда турар жойини тилга олмоқдалар. Шу билан бирга узоқ умр кўрганлар узоқ соғ-саломат яшаш сирини меҳнатда, деб айтмоқдалар. Кишини гафлат уйқусидан уйғотадиган, ундаги куч-ғайратни ишга соладиган меҳнатда гап кўп экан.

Жамғармалар фаолиятдан

МЕҲРАДАН КЎНГИЛААР ЧАРОҒОН

КУНИ КЕЧА ХАЛҚАРО «НАВРЎЗ» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ ҲАМКОРЛИГИДА ЁШЛАР ЙИЛИГА БАҒИШЛАНГАН ХАЙРИЯ ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Маълумки бугунги кунда аҳолини ҳар томонлама ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳрога муҳтож, ногирон, кекса, пенсионерларни кўллаб-қувватлаш, ҳаётда ёлғиз эмасликларини билдириш, эртанги кунга умид, ишонч уйғотиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Ушбу тамойилдан келиб чиққан ҳолда мазкур тадбирда ҳам ёрдамга муҳтож фуқароларга ногиронлар арава-вачалари ва эшитиш мосламалари топширилди.

Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар ҳоқими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси ижрочи директор Зокир Расулов, Ўзбекистон «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Жамолдин Шохимов, «Доктор Реддис» компанияси ваколатхонаси бошлиғи Шоханск Мохан ва бошқалар давлатимиз томонидан Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя, аҳолининг заиф қатламларида кўрсатилган моддий-маънавий кўмак, ёрдамга муҳтожларни доимий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида алоҳида тўхталиб, ўтказилаётган тадбирнинг мазмун-моҳияти ҳам айнан юқоридаги хайрли мақсадларга қаратилганлиги, инсонларга яхшилик қилиш, муҳтожлар кўнглини олиш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлиги ҳақидаги фикрларини билдириб ўтдилар.

Шунингдек, тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигининг катта аҳамияти, хусусан бу борада халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида батафсил маълумот берилди. — Мамлакатимизда амалга оширилаётган халқ фаровонлиги, миллатлараро меҳр-оқибат, миллат келажоғи бўлган ёш авлоднинг саломатлигини мустаҳкамлаш, инсонлар ўртасида миллатдан қатъи назар одамийлик, са-

ховатпешалик, бағрикенглик, бошқаларнинг дардига шерик бўла олиш туйғуларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, — деди жумладан халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси ижрочи директор, юридик фанлари номзоди Зокир Расулов. — Шундан келиб чиққан ҳолда жамғармаимиз томонидан 2008 йилнинг биринчи ярмида Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳрида, Наманган вилоятининг Наманган шаҳрида, Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида ва Шаҳрисабз шаҳарларида вилоят ҳокимликлари, соғлиқни сақлаш, дори-дармон, тиббиёт асбоблари таъминоти бошқармалари билан биргаликда бир қатор хайрия тадбирлари ўтказилди.

Тадбирлар жараёнида иқтидорли болаларга жамғарманинг махсус стипендиялари ажратилди. Меҳрибонлик йўлига бориб мурувват ёрдамлари ташкил қилинди. Наманган шаҳрида юқори маълум мутахассислар маслаҳатлари ташкил қилиниб, беоморлар аҳолидан жамоатчилик билан биргаликда ҳол-аҳвол сўраб меҳр кўрсатилди. 100 ёшдан ошган отахону оналарнинг муборак ёшларини кўлаб улар хонадонларига ташриф буюрилди. Ушбу тадбирлар жараёнида «Наврўз» ХХЖСи қошида ташкил қилинган Халқаро тиббиёт алоқалар маркази ва мамлакатимизда фаолият олиб бораётган чет эл фармацевтик ва тиббиёт асбоб-ускуналари ишлаб чиқарувчи компанияларнинг ваколатхоналари вакиллари иштирокида «Вилоят замонавий тиббиётда замонавий дори-дармонлар ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминоти» мавзусида амалий анжуман ўтказилди. Ушбу анжуманга асосан қишлоқ врачлар пунктилари шифокорлари, туман шифохоналар мутахассислари жалб қилинди. Амалий анжумандан олдин иш жараёнида учраб турадиган муаммолар ва керакли тавсия-

лар бўйича мутахассислар иштирокида савол-жавоблар ўтказилди. Мақсадимиз аҳолига керакли ёрдамни вақтида бериш, ногиронлар ҳол-аҳволдан хабардор бўлиш, имкон борича ёрдам кўрсатиш, — дейди директор. Дарҳақиқат ҳаётда ёлғизлини қолган, касаллик туфайли уйда қолиб, ҳаёт қийинчиликларини енгиб ўтишга қийнаётган инсонларга кўмак бериш савоб ишлардан саналади. «Наврўз» жамғармаси билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораётган «Медком технолож» корхонаси директори Тоҳир Солиев, «SAFO — Тиббиёт» хусусий клиникаси бош шифокори Абдуқаҳор Маҳамовлар билан суҳбатлашиб шунга амин бўлдики, орамизда одамлар дарди, орзумидларига шерик бўлишга интиладиган, оғирини енгиш қилишни ўзининг инсоний бурчи деб биладиган инсонлар бор экан, эзгу ва хайрли мақсадларимиз амалга ошиб бораётгани.

— Мен анчадан бери эшитиш мосламасини олишга имкон тополмай юрган эдим, — дейди Сергели туманидаги «Қишқоқ» маҳалласи фуқароси Зулайхо Ҳазратова. — Мана бугун ниятим амалга ошиб эшитиш мосламасини беришди. Яхшиларга раҳмат.

— Ушбу аравачани маҳалламиздаги ногирон Насиба Ходжаевага топшираман, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги «Кўхота» маҳалласи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Саодат Содиқова. — Икки фарзанди бор бўлган аёл ногирон бўлиб юролмай қолган эди. Унга аравача катта ёрдам бўлади. Кемтик кўнглиларга нур улашяётган инсонлар сафи ортаверсин, илоҳим.

Зеро, икки дунё саодатиға элтувчи йўл — савоб ишлар бошида туриш, бева-бечоранинг оғирини енгиш қилиш, меҳр-оқибат, бағрикенглик амалларини бажаришдир. Ҳаммамизга мана шу йўлда бўлиш насиб этсин. Шойра МУҲАМЕДОВА

ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШ БОШҚАРМАСИ ЖАНУБИЙ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНING СЕУЛ ТАЪЛИМ ДЕПАРТАМЕНТИ БИЛАН 1995 ЙИЛДАН БЕРИ ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК ШАРТНОМАСИ АСОСИДА ИШ ОЛИБ БОРМОҚДА. КОРЕЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ ҲУЗУРИДАГИ КОРЕЯ ТАЪЛИМ МАРКАЗИ ҲАР ЙИЛИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА КОРЕЙС ТИЛИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЎТКАЗИБ КЕЛМОҚДА.

Ҳамкорлик самаралари

КОМПЬЮТЕР ТОПШИРИАДИ

Бунинг натижасида эса 1998 йилдан то ҳозирги кунгача шаҳримиздаги мавжуд мактабларнинг 35 нафар ўқувчилари Корея таълим муассасаларида уч йиллик муддатга таълим олиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Улардан 18 нафари ҳозирда нуфузли таълим масканларида билим олмоқдалар. Ўқувчиларнинг Кореяда таълим олишлари ва яшашлари Сеул департаменти маб-лағлари ҳисобидан амалга оширилмоқда. Шунингдек беш нафар ўқувчи ушбу мамлакат коллежларини тугатиб, келишувлар асосан Корея олий ўқув юр-тларида илм олмоқдалар. Ҳар йили танлов асосида Кореяга юбориладиган ўқувчилар сонини унчадан бештага қўлаймоқда. Жумладан, Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларининг ўқувчилари ҳам Сеул шаҳрида тажриба алмашиб қайтишмоқда. Жорий йилда ҳам 18 нафар илгор тажрибали ўқувчилар Сеул шаҳрида компьютер технологияси бўйича малака ошириб қайтидилар. Бунда ўқитувчиларнинг изланувчанлиги, иқтидори ва фидойилиги, эришаётган ютуқлари инобатга олинди. Келишувларга мувофиқ Сеул таълим департаменти шаҳримиздаги мактабларга компьютер техникасини бегараз ёрдам сифатида тақдим этиб келмоқда. Утган йил ҳам 300 дана замонавий компьютер мазкур департамент орқали мактабларга тарқатилган эди.

Кунги кеча ҳам Сеул таълим департаментида яна 300 дана компьютер тўпламлари Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасига тантанали равишда топширилди.

— Сеул таълим департаменти томонидан юбориладиган компьютер тўпламларини шаҳримиздаги 30 та умумтаълим мактабларига тарқатамиз, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Наргиза Раҳмонкулова. — Албатта, бунинг учун Сеул таълим департаментига алоҳида миннатдорчилигимизни барча ўқитувчилар ва ўқувчилар номидан изҳор этмоқчиман. Бу қобилиятлари ёшларнинг илгор технология билимларини янада мустаҳкамлашларида мўҳим аҳамият касб этади. Мен фурсатдан фойдаланиб шаҳримиздаги барча ўқитувчиларни ва мухтарам устозларимизни яқинлашиб келлаётган касб байрамлари билан табриқлайман. Уларга сикат-саломатлик, узоқ умр, заҳматли ва шарафли касбларида эса сабот ва матонат тилайман.

Дарҳақиқат, Сеул таълим департаменти томонидан юбориладиган бегараз ёрдамлар бугунги кунда мўҳим аҳамиятга эга. Улар томонидан юбориладиган ўқув услубий қўлланмалар эса илгор иш тажрибаварини ўқитувчиларнинг иш фаолиятда фойдаланиш мақсадида, шаҳар ва Халқ таълими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти курслари ҳамда турли семинарлар орқали ўқитувчиларга етказилмоқда.

Гулчехра САТТОР қизи

Тадбирлар

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

МИРОБОД ТУМАНИДАГИ 213-МАКТАБДА «ГЕОГРАФИЯ ФАНИ ОЙЛИГИ» МУНОСАБИТИ БИЛАН РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИГА ҚАРАШЛИ ТАЪЛИМ МАРКАЗИНИНГ УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАРИДАН БИРИ АСОСИДА МАЗКУР ФАНГА ҚИЗИҚҚАН ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ГЕОГРАФ ОЛИМЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Ўзбекистон Миллий университетини доцент, география фанлари номзоди Маматқодир Назаров, география фанлари номзоди Каромиддин Гадовалар иштирок этишди.

Ушбу тадбирни уюштиришдан мақсад география фанининг ҳозирги кундаги аҳамияти ва ютуқлари, касбга йўналтириш муаммолари ҳақида ўқувчиларга маълумот бериш эди. Олимлар география фанининг кенг қамровли эканлиги, бошқа фанлар билан доимо алоқадорлиги, ҳўжалиқлардаги бирор-бир соҳа география фани иштирокиси ривожлана олмаслигини йиғилганларга жонли мисоллар билан тўшутириб беришди.

Учрашув катнашчилари келажак ҳаёт ҳақида фикрлаш, кўзлаган мақсадга эришиш йўллари ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишди.

ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА ДОМО БУЛАВ...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БҮСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

Барчадин сўрдим, дедилар: «Қисқадур рўзи висол».
Айтмади ҳижрон туни ҳам қисқа деб ҳеч кимса ҳам.

Кишининг даражаси имтиҳонда яхши синалади.

Тарбияли кишилар турли фазилатларни эгаллаши зарур.

Чуқур мулоҳаза билан ишлаш улуг одамларга яна ҳам зарурроқдир.

Одий кишилар ишнинг натижасини ўйламай қила берадилар.

Дўстларни танлашда олдин уларни синаб кўр.

Ёлгончилар кишига дўст бўлолмайдилар.

Дўстларинг кўнглига озор етмасун, қилгил вафо,
Совиган дил илимас, ҳар қанча қил сочмас зиё.
Синса кўнгил шишаси тadbир ила бўлмас бутун,
Устихон эрмаски, они рост қилса кимё.

Ишларнинг энг яхшиси натижаси яхши бўлган ишлардир.

Кичик мусибатларга чидамовчиларга улуг кулфатлар етади.

Чакимчилар сўзига кирганлар дўстларидан махрум бўладилар.

Хусуматни ҳаддан оширувчилар гуноҳкор бўладилар.

Фақат ишни пухта текширилиб қилинган ҳукмига тўғридир. Кучлилар бировни жабрлашга интилмасликлари, кучсизлар ҳақиқатан умидсизланмасликлари учун қозилар ҳаммага бир хил кўз билан қарашлари зарур.

Қозилар хасталик, хафалик ёки очлик вақтларида ҳукм қилишдан қочилари лозим.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошлангич баҳоси охири бориш тартибда бўлиб ўтадиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

1. 2008 йил 4 ноябр куни соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги мулклар кўйилмоқда:

1. Тошкент шаҳар Учтепа тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Учтепа туман судининг 30.04.2008 йилдаги 1-203/2008-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Халқа йўли кўчаси, 20-уйда сақланган, «КАМАЗ-5320» русумли, д/р 10AR388 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошлангич баҳоси — 15 000 000 сўм.

2. Тошкент шаҳар С.Рахимов тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 11.02.2008 йилдаги 10-0714/15620-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар, С.Рахимов тумани, Жомий кўчаси, 5-уй манзилида жойлашган, маъмурий бино Блок "А", умумий майдони 269 кв.м. Бошлангич баҳоси — 26 019 200 сўм.

Маъмур автотранспорт воситаси ва кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита хойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатда ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекбанк» С.Рахимов ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамга тўлашлари шарт: МФО:00901, ИНН:200933850, х/р:20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С.Рахимов т., М.Уразабоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz



КАТТА ТЕННИС ЮЛДУЗЛАРИ ЁҒДУСИ

ПОЙТАХТИМИЗДА КАТТА ТЕННИС МАВСУМИ БОШЛАНДИ. БУГҲН «ТОШКЕНТ ТЕННИС МАРКАЗИ» КОРТЛАРИДА ЭРТА БИЛАН WTA БУТУНЖАҲОН АЁЛЛАР ТЕННИС УЮШМАСИ ТУРКУМИДАГИ «TASHKENT OPEN — 2008» АЁЛЛАР ҲАҚИДАГИ ЖАҲОН ТУРНИРИНИНГ САРАЛАШ МУСОБАҚАЛАРИ ДАВОМ ЭТТИРИЛИБ, КҲННИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДА АСОСИЙ ҲИЛЛАРГА ҲАМ СТАРТ БЕРИЛДИ. КЕЧА УШБУ СПОРТ БАЙРАМИ ОЛДИДАН МАТБУОТ АНЖУМАНИ ҲАМДА ҚУРЪА ТАШЛАШ МАРОСИМИ БҮЛИБ ҲТДИ.

Юртимизда учинчи марта ўтказилган «Tashkent open» турнири бу йили ҳам нуфузли даражада ўтиши кутилмоқда. Шаҳар ҳокими ўринбосари Низомиддин Бахтиёров айнан ташкилий масалаларда тўхталиб, 20 дан зиёд мамлакатлардан иштирок этадиган теннисчилар учун барча шарт-шароитлар яратилганини таъкидлаб, катта теннис байрами куз мавсумида ташкил этилаётганида эса

ўзига хос рамзий маъно борлигини таъкидлаб, меҳмонларимиз серкуёш Ўзбекистоннинг барча табиий инъомларидан баҳраманд бўла олишлари меҳмоннавозлигимизни янада ёрқинроқ ифода этади, деган фикрни билдирди.

Турнир директори Шурунгам Утратлати ахборотига кўра, бу йили мусобақа муқофот жамғармаси ўз салмоғини сақлаб қолади (145 минг АКШ доллари), кейинги йил-

дан бошлаб эса унинг мақоми ошиб, муқофот пули ҳам 225 минг АКШ долларигача кўтарилди. Бу дегани «Tashkent open» да жаҳон таснифининг биринчи ўлиги ва биринчи ўттизлиги поғонасидаги кучли спортчилар қатнашади.

Шундай, бироқ «Tashkent open — 2008»нинг ҳам бу борада нуфузи кам эмас. Етти нафар иштирокчиларнинг жаҳондаги рейтингини биринчи юзликка қиради. Улар

орасида ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова борлиги, албатта, биз учун катта ютуқ.


Қуръа натижаларига кўра, Ўзбекистон жамоасининг етакчиси биринчи даврада польшаллик Урсула Радванска билан беллашади. Оқгулнинг айтишича, илгарилари бу ўйинчи билан кортада учрашмаган, аммо орасининг имкониятларидан яхши воқиф.

Бу йилги «Tashkent open» да илк

марта «вилд кард» - ишонч йўлланмаси билан Алиса Огородова — кўпчиликка яхши маълум Владимир Огородовнинг кизи иштирок этади. Бундай имконият ҳамюртларимиздан Влада Якшибарова ва Дилъра Сейитхужаевага ҳам берилди. «Tashkent open — 2008» турнирида кўплаб янги теннисчилар қатнашади. Бу борадаги воқеалар ривожини билан эса ҳафта давомида мунтазам таништириб борамиз.

Юқорида теннис мавсуми ҳақида гапирганимиз ҳам бежиз эмас. Эртага «Tashkent open — 2008»нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. Бу турнир якунлангандан кейин бир оз вақт ўтгач «челленджер» мусобақалари бошланади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА



— Ушбу кўргазмани ташкил қилишдан мақсад, дейди Республика тасвирий ва амалий санъат лицейи интернати директори Сони Содиков. — Ўзбекистондаги жамоат ва ишбилармон тузилмалари диққатини ўсиб келаётган ёш истеъдод эгалари эҳтиёжларига, уларнинг уйларига айланган лицей интернатининг долзарб масалаларига қаратишдир. Кўргазма ташкил этишининг гоёси — ёш рассомлар интилишларини кўлабқувватлаш, болаларда санъатга бўлган қизиқишини янада юксалтириш, аввало кўргазма иштирокчиларининг ўзига, уларнинг ижодлари нақадар қадри эканини кўрсатишдан иборатдир. Чунки бизда таълим ва тарбия олаётган ўқувчиларнинг аксарияти кучли иқтидор эгаси эканигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Зеро уларнинг бир қанчаси чет мамлакатларда ўтказилган Халқаро танловларда совринли ўринларни эгаллаб келганлар. Улар чизган расмлар дунё миқёсида ўтказилган ёшлар кўргазмаларида алоҳида аҳамият касб этиши бизни янада қувонтиради. Бугун эса ўқувчиларимизнинг энг яхши асарларини намойиш қилмоқдамиз. Умид қиламизки, бу расмлар ҳар бир инсонни ўзига мафтун қилади. Чунки болалар олами жуда соф ва беғубордир. Уларнинг чизган тасвирлари эса катта ёшдагиларни янада эзгулик ва яхшилик сари чорлайди ва ҳар қандай кўнгилнинг ғуборини ювади.

Дарҳақиқат, маъзур лицейнинг нуфузи на-

Кўргазмалар

ОРЗУИМДАГИ ШАҲАР

ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БАНКИ ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА ЁШЛАР ЙИЛИГА БАҒИШЛАБ РЕСПУБЛИКА ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ ЛИЦЕЙ ИНТЕРНАТИ ҲУҚУЧИ ВА БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ «ОРЗУИМДАГИ ШАҲАР» ДЕБ НОМЛАНГАН ХАЙРИЯ КўРГАЗМАСИ ОЧИЛДИ.



Кўргазмада 7 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчиларнинг 130 дан ортиқ энг сара асарлари намойиш қилинди. Ҳар бир асарда болаликнинг олтин даври, ўсимликлар ва ҳайвонот оламининг ўзига хос кўринишлари, жаннатмакон дёйримизнинг ғўзал табиати, самимий одамлари болаларча беғуборлик ва самимият билан тасвирлангани, томоша қилганингиз сари болаликнинг тотли оламига шўнғиб бораверасиз.

Кўргазма доирасида тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди. Унда ўқувчилардан 7-10 ёшлилар ичида Марселла Мусурмонкулова, 11-12 ёшлилардан Валерия Панкратова ва Малика Хидиралиевалар биринчи ўринларни эгалладилар. Шунингдек, яна олти нафар ўқувчилар иккинчи ва учинчи ўринларни кўлга киритиб, эъдилик совғалари ва фахрий ёрликлар билан тақдирландилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар Алексей Попов олган суратлар.

Солиқ

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ АҲЛОҚИЙ МЕЗОНЛАРИ КўП. АЙНИҚСА, ҲАЛОЛЛИК ВА АДЛАМАСЛИК, Фойдани яширмаслик ЗАМОНАВИЙ ИШБИЛАРМОННИНГ АЛОҲИДА АЖРАЛМАС ФАЗИЛАТЛАРИДАН САНАЛАДИ. БУ АҲЛОҚИЙ МЕЗОНЛАРСИЗ ХОЗИРГИ ФИРМАЛАР, ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР, БАНКЛАР ВА ШАХСЛАР ҲАҚИДАГИ МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРГА ПУТҲР ЭТАДИ.

КўЗА КУНИДА СИНАДИ

Аммо ана шундай ҳолатларнинг содир бўлаётгани ниҳоятда ачинарли бўлиб, бунга мисоллар келтириш мумкин.

Ю.Ким раҳбарлигидаги «Ақром қурилиш» масъулияти чекланган жамияти асосан корхона ва ташкилотларда қурилиш, таъмирлаш ва бошқа турдаги хизмат билан шуғулланиб келарди. Бироқ нафис ҳақалак отган тadbиркор мўйми даромад топиш илнинида ғайриқонуний йўл тутди. Ю.Ким ва буюртмачи «Улугбек посёлкаси» қурилиш-таъмирлаш хизмат кўрсатиш» бошқармаси директори А.Сайдахмедов билан бирга 1-2-сонли иссиқ сув етказиб беришга мўлжалланган қозонхоналарни таъмирлаш ишлари учун ўзаро шартнома тузиб, иш бошлашади. Сўнгра сирлари фош бўлишдан қўчмасдан бажарилган ишлар баҳосини қўнғунга хилф равишда 4 миллион 29200 сўмга ошириб сохта маълумот ва бошқа чиқимларни ўзаро келишиб тузишади. Лекин қўнғир иш узокқа бормади. Кўза кунда эмас, кунда синди, деганларидек уларнинг кирдиқорлари ошкор бўлди.

Ўтказилган текширувда «Ақром қурилиш» МЧЖ раҳбари бажарган иш хизматларини ҳисоботларда қасддан қамайтириб кўрсатиб, жами 20 миллион 183,2 минг сўм ягона солиқ тўловини яширгани маълум бўлди. Натижда кўрсатилган зарарлар ундирилиб, ҳар иккала мансабдорга нисбатан қўнғунга биноан жазо тайинланди.

Мансур АБДУЛЛАЕВ, СВОЖҚДЛҚ департаментининг Юнусобод тумани бўлими катта инспектори

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ 2008 ЙИЛ 23 МАЙ 340-СОНЛИ ҚАРОРИГА АСОСАН ТОШКЕНТ ШАҲАР КўЧАЛАРИДА ЁРИТИШ ТАРМОҚЛАРИНИ БУТКУЛ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУЙИДАГИ КўЧАЛАРДА ТАШҚИ ЁРИТИШ ЧИРОҚЛАРИ ВАҚТИНЧАЛИК ҲЧИРИЛАДИ:

1. Учтепа тумани Фарҳод кўчаси Катта Хирмонтёпа кўчаси	2. Бектемир тумани «Сувсоз» мавзеси Хусайн Бойқаро кўчаси
3. Миробод тумани «Кўйлик-4» мавзеси	4. Мирзо Улуғбек тумани «Қорасув-6» мавзеси Мирзо Улуғбек-Сайрам кўчалари «Қорасув-2» мавзеси
5. Собир Раҳимов тумани Калонов кўчаси «Қорақамиш 2/5» мавзеси	6. Сергели тумани «Сергели-4» мавзеси «Сергели-8» мавзеси
7. Ҳамза тумани Лисунов 4, 30-39-уй Лисунов 4, 24-29-уй	8. Чилонзор тумани Дўмбиробод кўчаси
9. Шайхонтоҳур тумани Оқтепа мавзеси, 34-уй Оқтепа мавзеси, 32-уй	10. Юнусобод тумани Юнусобод мавзеси, 19-кв Юнусобод мавзеси, 18-кв Юнусобод мавзеси, 9-кв Юнусобод кўчаси
11. Яқкасарой тумани Тadbиркор кўчаси Мираҳмедов кўчаси	

Тошкент Молия институти куйидаги кафедралар бўйича бўш (ва-кант) «Банк иши» катта ўқитувчи, ассистент; «Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва аудит» катта ўқитувчи, ассистент; «Молия» катта ўқитувчи; «Ҳазначилик иши» катта ўқитувчи; «Сугурта иши» катта ўқитувчи, ассистент; «Бухгалтерия ҳисоби» катта ўқитувчи; «Молиявий таҳлил» доцент, катта ўқитувчи; «Молиявий менежмент» доцент, катта ўқитувчи; «Менежмент» катта ўқитувчи; «Бизнес ва иқтисодиёт» катта ўқитувчи; «Статистика» катта ўқитувчи; «Молия инжинеринги» доцент; «Солиқ ва солиққа тортиш» катта ўқитувчи, ассистент; «Математика» доцент, катта ўқитувчи; «Умумиқтисодий назария ва педагогика» доцент, катта ўқитувчи; «Ўзбекистон тарихи» катта ўқитувчи; «Чет тиллари» катта ўқитувчи; «Умумиқтисод мутахассисликлари бўйича чет тиллари» катта ўқитувчи, ўқитувчи; «Ўзбек ва рус тиллари» ўқитувчи; «Информацион технологиялар» доцент, катта ўқитувчи, ассистент; «Фалсафа» доцент, катта ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади.

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Тел. 234-66-58

Олий ҳўжалик суди суд заллари учун қуйидаги жиҳозларни харид қилиш бўйича тендер эълон қилади.

- Мебель жиҳозлари:
 - Судьялар учун стол
 - Судья креслоли
 - Адвокат столи
 - Суд мажлиси котиби столи
 - Компьютер столи
 - Стуллар
 - Суд зали учун кичик минбар
 - Уч ўринли скамейка
 - Компьютер ва принтерлар (конфигурация тел/факс орқали).
 - Кондиционерлар (сплит система).
 - Видеокўзатув мосламаси ўрнатиш.
- Тижорат тақлифлари эълон қилинган кундан бошлаб 30 кун ичида, охириги кун соат 17.00 га қадар қабул қилинади.
- Манзил: Тошкент ш., Чилонзор тумани, Чўпон ота-6. Тел: 273-72-30, факс: 277-14-16.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ

Буюртма Г-806

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3329 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамати»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6